

“Ўзархив” агентлиги тизимида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат-Кенгашининг 2022 йил 1-сон йиғилиши баёни

2022 йил 1 февраль

“Ўзархив” агентлиги

Раислик қилувчи: Ш. Турсунбаев – Маслаҳат-кенгаши раиси

**Иштирок этди: - Маслаҳат кенгаши аъзолари,
“Ўзархив” агентлиги бўлим бошлиқлари**

Кун тартиби:

- 1. “Ўзархив” агентлиги тизимида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат-Кенгашининг 2021 йил фаолияти тўғрисида;**
- 2. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини “Ўзархив” агентлиги тизимида амалга ошириш бўйича Маслаҳат-Кенгашининг 2022 йил режаси тўғрисида;**

Ш. Турсунбаев, О. Суёнов, С. Юнусходжаева, Д. Закирова ..., А. Алиев

1-масала: “Ўзархив” агентлиги тизимида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат-Кенгашининг 2021 йил фаолияти тўғрисида;

Қайд этилдики, “Ўзархив” агентлиги тизимида хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш ва оғирини енгил қилиш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш масаласи Агентлик асосий иш фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Тизимда давлат ислохотларининг мазмуни, “Инсон қадрини учун” тамойилининг моҳияти ҳам айнан шунга қаратилган.

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини таъминлаш, парламент томонидан белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида “Ўзархив” агентлиги томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562 сон қонуни ҳамда Республика Гендер тенгликни таъминлаш масалалари Комиссиясининг 2020 йил 24 мартдаги

Тавсияларини ижросини таъминлаш мақсадида Агентликнинг 2020 йил 13 ноябрдаги 226-сон буйруғи, чора-тадбирлари, назорат режаси тасдиқланган. Унга кўра Агентлик тизимида Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат-кенгаши ташкил этилди. Кенгашнинг таркиби, фаолият низоми, иш тартиби тасдиқланди. 2021 йил январь-октябрь ойларида Гендер тенглик бўйича 7 та мақола, 3 та давра суҳбати, Маслаҳат-кенгашининг 2 та мажлиси ўтказилди.

Агентлик Маслаҳат-кенгаши соҳа бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланган. Кенгаш фаолиятига Ўзбекистон миллий архивлари методик ҳамда услубий-амалий ёрдам бериш бўйича базавий муассасалиги белгиланган. 3 та Ўзбекистон миллий архивларида жорий йилнинг 9 ойида 112 та тадбирлар ўтказилиб, Гендер тенглик тенденциялари ҳисобга олинган.

Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида тизим ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш борасида тенглик ўрнатилган. Жумладан, ижтимоий фаолиятда “Соҳа ифтихори” кўкрак нишони таъсис этилиб, тақдирланаётганлар бугунги кунда 30 нафарни ташкил этади. Уларнинг эркак ва аёллар тенглиги таъминланмоқда. Шунингдек, бугунги кунда архив иши ва иш юритиш соҳасида 2100 дан зиёд ходим фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 12 фоизини илмий салоҳиятга эга ходимлар, жами ходимларнинг 65 фоизини аёллар ва хотин-қизлар ташкил этади. Раҳбар ходимлар сони 227 тани ташкил этса, уларнинг 49 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Маслаҳат-кенгаши томонидан ўтган даврда 3 маротаба йигилиши ўтказилиб, жойлардаги кадрлар салоҳияти, уларни малакасини ошириш, жамоатчилик назорати ҳамда архив иши ва иш юритиш соҳасидаги фаолият таҳлил қилинди.

Агентлик тизимида ўтган давр мобайнида ижтимоий аҳамиятга эга 7 та лойиҳа амалга оширилга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон архивларининг 100 йиллигини нишонлаш тадбирлари доирасида 2019 йилда “Ўтмиш сабоқлари” номли, 2020 йилда уруш ва урушдан кейинги йилларда архивларда меҳнат қилган хотин-қизлар, эркаклар ҳақида “Архив ўчмас тарихдир” номли, “Ғалаба 75” номли, 2021 йилда 3 та янги лойиҳа “Янги Ўзбекистон архивлари” номли ҳужжатли фильм, “Ўзбекистон архивлари” номли илмий-оммабоп китоб ҳамда “Мустақиллик 30” номли веб-сайт яратилди. Аҳамиятлиси шундаки, мазкур лойиҳаларни тайёрлаш ва чоп этишда жамоатчилик ва Маслаҳат-кенгашларининг тавсиялари ишлаб чиқилди.

Агентлик тизимида фуқароларни ишга қабул қилишда биринчи навбатда унинг мутахассислигига эътибор қаратилади. Жумладан, архившунос, архивчи мутахассислигига эътибор кучайтирилган. Шу билан бирга илмий салоҳиятга эга бўлган мутахассисларни қўллаб-қувватлаш бўйича 2019 йилда Агентликнинг чора-тадбирлари қабул қилинган. Унга кўра, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, ҳар йили Агентлик директорининг тавсиясига асосан, олий таълимнинг тегишли йўналишига суҳбат асосида қабул қилиш жорий этилган. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, 2020 йилда “Ўзархив”

агентлиги директорининг тавсиясига асосан меҳнат стажи 5 йилдан ортиқ бўлган 100 нафар архивчига олий таълимда ўқиш имкониятлари яратилди, шундан 68 таси хотин-қизларни ташкил этди. 2021 йилда ҳам 50 нафар ходимлар тавсия этилиб, уларнинг 37 тасини хотин-қизлар ташкил этди.

Умуман, кадрлар билан ишлаш, уларни жой жойига қўйиш, мавжуд кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича Агентликда зарур чора-тадбирлар белгиланган. 2020 йил сентябридан бошлаб, Агентлик қошида Архив иши ва иш юритиш бўйича илмий-методик малака ошириш Маркази ташкил этилди. 2021 йил октябрь ойига қадар, 300 нафардан ортиқ архивчилар ҳамда 500 нафар бошқа соҳа ходимлари ўз малакасини оширдилар.

Маслаҳат-кенгаши томонидан хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни лойиҳаларида архив иши ва иш юритиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш юзасидан ўз таклифларини бермоқда. Жумладан, архив иши ва иш юритиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларни гендер тенгликни таъминлаш мақсадида ҳуқуқий (гендер-ҳуқуқий) экспертизадан ўтказишда Кенгаш бевосита иштирок этмоқда, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аёлларга берилган имтиёзларнинг яратилганлик ҳолати ўрганилмоқда. Ички идоравий ҳужжатларни таҳлил қилиш орқали аниқланган гендер тенгсизликни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва Агентлик раҳбариятига тақдим этиб бориш йўлга қўйилди.

Агентлик веб сайтида (my.archive.uz) Гендер тенглиги саҳифаси мавжуд бўлиб, унда ҳар ойда материаллар янгиланиб борилмоқда. Шунингдек, умумий сайтнинг ўзида ҳам архив соҳасида хизмат қилаётган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқларни яратишга қаратилган имкониятлар тегишли тартибда бериб борилади. Жумладан, ёшларга оид давлат сиёсатини юритиш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, маънавий-маърифий тадбирлардан анъанавий равишда “Балли қизлар” танлови, “Ёш архивчилар” танлови лойиҳалари ўтказилмоқда. Уларнинг барча маълумотлари веб-сайтда ёритиб борилади. Бундан ташқари 14 та худудда жойлашган худудий бошқармалар, 3 та миллий архивлар ва кўпгина давлат архивларининг сайтлари фаол ишлаб турибди. Ижтимоий тармоқлардаги Агентликнинг расмий саҳифаларида обуначилар сони 3 870 нафар ташкил этгани ҳолда, материалларни кўриш ўртача 17 665 та ижтимоий тармоқ аъзосини ташкил қилмоқда.

Республика давлат архивлари томонидан телекўрсатувлар сони 2021 йилда (1 октябрь ҳолатига) 267 та ўсиш суръати 170%, шундан марказий телеканалларда 72 та кўрсатув ва репортаж (2020 йилнинг шу даврида 7 та, ўсиш суръати 600%), радиоэшиттиришлар 265 та (2020 йил 9 ойида 206 та, мақолалар 625 та (ўсиш суръати 150%) тайёрланган. Гендер тенглик билан боғлиқ статистик маълумотлар давлат статистика қўмитасига ҳар йили тақдим этилади. Инфографикалар мавжуд ва доимий равишда Агентлик веб сайтида бериб борилмоқда.

Агентлик тизимида ҳар йили Ёш архивчилар Форуми ўтказилиши анъанага айланган. Форум асосан ҳар йили 9 июнь – “Халқаро архивлар куни” арафасида ўтказилади. Мазкур танлов 2021 йилда Бухоро вилоятида ўтказилиб, унга 100 дан ортиқ архивчи ходимлар иштироки таъминланди. Шунингдек, 2 мартаба мақолалар танлови ўтказилди.

Шунингдек, Маслаҳат-кенгаши хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор чораларни кўриб келмоқда, жумладан ижтимоий тармоқларда “Ўз ҳуқуқингизни биласизми?” танловлари ўтказилмоқда. Шунингдек, “Давлат тилида иш юритиш”, “Архив соҳасидаги ҳуқуқлар” телеграм каналлари очилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, хотин-қизларни қўллаб қувватлаш тадбирларида, жумладан ҳар йили анъанавий равишда “Балли қизлар”, “Теннис маликаси” туркум танловлари бўлиб ўтмоқда. Бу тадбирларда мингдан ортиқ аёлларимиз иштирок этади. Энг ғолиб бўлганлари Агентликнинг фахрий ёрликлари, қимматбаҳо совғалари билан тақдирлангани ҳолда, кадрлар захирасига ҳам олинади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизлар ва эркакларни қўллаб-қувватлаш борасида Агентлик томонидан амалга оширилган ишлар доим Агентлик веб-сайтида ёритиб борилмоқда. Жумладан, 2021 йил учун тасдиқланган жадвал асосида Агентлик директорининг ҳар бир ҳудудда сайёр қабуллари ташкил этилди. Ёрдамга муҳтож бўлганларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. “Ўзархив” агентлиги раҳбарияти томонидан 2021 йил биринчи ярим йиллиги давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги шаҳар ҳамда туманларда жисмоний ва юридик шахсларни сайёр қабули жадвалига асосан 4 та сайёр қабуллар ўтказилиб, уларда 133 нафар фуқаролар мурожаатлари кўриб чиқилди. Агентлик томонидан 28 та моддий-ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган архив ходимлари доимий назоратга олинган, ўтган давр мобайнида уларга бир қатор ижтимоий ёрдамлар кўрсатилган.

2-масала: 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини “Ўзархив” агентлиги тизимида амалга ошириш бўйича Маслаҳат-Кенгашининг 2022 йил режаси тўғрисида;

“Ўзархив” агентлиги тизимида 2022 йилда 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини амалга оширишда барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, Агентликнинг 2022 йил биринчи ярим йилликка мўлжалланган Асосий иш режасига Гендер тенгликка оид 4 та масала киритилган. Шунингдек, ҳар чоракда эркаклар ва хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш сиёсатини амалга ошириш бўйича ҳафталиклар, сиёсий, маданий-маърифий, маънавий кадриятларни ўз ичига олган тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Шу билан бирга Агентлик томонидан хотин-қизларни спортга жалб қилиш, иш жойида тазйиқларни бартараф этиш, тизим ташкилотларида фаол ишлаб келаётган хотин-қизларни мукофотлаб бориш ҳамда турли тадбирларга жалб қилиш масалалари амалга ошириш режалаштирилган.

Маслаҳат-кенгаши 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини Агентлик тизимида амалга ошириш режасини ишлаб чиққан ва муҳокама қилинган.

Агентлик Маслаҳат-кенгаши кун тартибидаги ҳар иккала масалани атрофлича муҳокама этиб, **қарор қилади:**

1. “Ўзархив” агентлиги тизимида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат-Кенгашининг 2021 йил фаолияти тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

2. Маслаҳат-Кенгашининг 2021 йил фаолиятида амалга оширилган ишлар ҳақида Агентлик раҳбариятига маълумот берилсин.

3. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини “Ўзархив” агентлиги тизимида амалга ошириш бўйича Маслаҳат-Кенгашининг 2022 йил режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Иш режада кўрсатилган вазифаларни изчил бажарилиши юзасидан Агентлик раҳбариятига маълумот тақдим этиб борилсин.

5. Маслаҳат-кенгаши аъзолари Иш режада белгиланган вазифалар ва тадбирларни ўз вақтида бажарилишини таъминласинлар.

6. Агентлик директори ўринбосарлари, бўлим бошлиқларига Агентлик Маслаҳат-кенгаши иш режасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда кенгаш аъзолари ҳамда ҳудудлардаги масъулларга яқиндан кўмаклашиш тавсия этилсин.

7. Баённома қарори Агентлик марказий аппаратида муҳокама этилиб, ижросини таъминлаш бўйича масъулларга юборилсин.

**Маслаҳат-кенгаши
раиси**



Ш. Турсунбаев

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини “Ўзархив” агентлиги тизимида амалга ошириш бўйича Маслаҳат-Кенгашининг 2022 йил режаси

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	муддати	масъуллар
1.	2022 йил - “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” давлат дастури мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган “Улуғлар улуғлайди ватанни” мавзуида олимлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этиш	Ўзбекистон миллий архивлари ходимлари, давлат архивлари ходимларига Давлат дастури мазмунидан келиб чиқиб тадбирлар ташкил этиш	январь- февраль	Ш. Турсунбаев, Ўзбекистон миллий архивлари
2.	Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси доирасида Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари музейлари ҳамда архивлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат тарихи ва маданиятини акс эттирувчи каталогларни биргаликда нашр этиш.	1. Икки ва кўп томонлама лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. 2. Маданий мерос агентлиги, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорлик қилиш.	2022 йил 1-ярим йиллик	Д. Дадаева
3.	Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-445-сон Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шунингдек, соҳага оид ижтимоий-ҳуқуқий, мавзули сўровларни мониторингини олиб бориш ҳамда натижаларини таҳлил қилиш.	1. Агентлик ва тизимдаги архивлар кесимида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ижроси ҳолатини мониторинг қилиш. 2. Мониторинг натижаси бўйича таҳлилий маълумотнома тайёрлаш. 3. “Ўзархив” агентлиги Ҳайъати йиғилишларида муҳокама қилиш. 4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат	ҳар ойда	Н. Анаркулова

		бўйича давлат инспекциясига тегишли хисоботларни тақдим этиб бориш		
4.	8 март - Халқаро хотин- қизлар кунига бағишланган “Балли қизлар” беллашувини ўтказиш.	1. Худудлар кесимида саралаш босқичларини ўтказиш. 2. Беллашувнинг финал босқичини ўтказиш жойи ва дастурларини тайёрлаш.	март	Д. Юсупов
5.	“Агентлик директори кубоги” “Ўзархив” агентлигининг футбол бўйича чемпионатини ташкил этиш ва ўтказиш.	1. Буйруқ лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2.Худудларда футбол ўйинларини ўтказиш. 3. Финал босқичини ўтказиш.	февраль март октябрь	Ш. Турсунбаев
6.	“Инсон қадри учун” тамойили асосида давлат архивларида амалга оширилаётганислохотлар ва Самарқанд вилоятида архив иши ва иш юритиш ҳолати” бўйича Самарқанд вилояти архив муассасаларига ташриф” мавзусида Пресс-тур ўтказиш.	“Инсон қадри учун” тамойили асосида пресс-турни ташкил этиш	февраль	А. Алиев
7.	2022 йил – “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” давлат дастури мазмунмоҳиятидан келиб чиқадиган “Улуғлар улуғлайди ватанни” мавзуида олимлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этиш.	1. Тадбир дастурини тайёрлаш. 2. Тадбирни ташкил этиш.	февраль март	Ш. Турсунбаев
8.	Ўзбекистон миллий архивида “Архивларда аёлларга оид мавзуларни ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзусида илмий конференция ташкил этиш.	1.Конференция бўйича материалларни тайёрлаш, жумладан, дастур ва бошқа материаллар. 2. Конференция ўтказилиши бўйича эълонлар бериш ва ОАВ вакиллари ва блогерлар таклиф қилиш	март	А. Алиев, Ш. Турсунбаев
9.	“Улуғ халқ қудрати жўш урган замон” шиори остида “Ўзбек аёли – ўтмиш, нафосат, келажак рамзи” мавзусида 8-март халқаро Хотин-қизлар кунини муносабати билан Тошкент Фотосуратлар уйида архив фотокўргазмасини ташкил этиш.	1.Фотокўргазма бўйича материалларни тайёрлаш, жумладан, хат, дастур ва бошқа материаллар. 2. Фотокўргазма ўтказилиши бўйича эълонлар бериш 3. Белгиланган кунда фотокўргазмани ўтказилишини таъминлаш.	март	Ш. Турсунбаев А. Маҳкамов

10.	“Агентлик спорт ўйинлари” Республика мусобақаларини ўтказиш.	Спорт мусобақаларини ташкил этиш	апрель-май	Ш. Турсунбаев, С. Юнусходжаева, Ж. Уматов
11.	Гендер стратегиясининг мақсади ва вазифаларини давлат архивлари ходимларига тушунтириб бориш	Гендер стратегиясининг мақсади ва вазифаларини ҳар ойда йиғишлар, тадбирларда мисоллар билан тушунтириш, маърузачиларни таклиф қилиш	ҳар ойда	Ш. Турсунбаев, Ф. Саидқосимова
12.	“Ўзбекистон архивларида аёллар” китобальбоми тақдимотини ўтказиш.	1. Китоб-альбом тақдимоти бўйича материалларни тайёрлаш. 2. Эълонлар бериш ва ОАВ вакиллари ва блогерларни таклиф қилиш. 3. Тақдимотни ўтказилишини таъминлаш	май	А. Алиев
13.	Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш юзасидан Агентлик ва унинг тизимида фаолият юритаётган фаол аёллар, ёшлар ва кексаларнинг маълумот базасини шакллантириш	Худудий бошқармалар ва давлат архивларида хизмат қилаётган фаол ёшлар, аёл қизлар, кексаларнинг алоҳида маълумотлари базасини яратиш	1-ярим йилликда	О. Суюнов, Ш. Турсунбаев
14.	“Агентлик шохсупаси” шахмат мусобақаларининг худудий босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш.	1. Мусобақаларнинг норматив ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш. 2. Мусобақа ўтадиган худудий бошқармалар билан алоқаларни мустаҳкамлаш. 3. Мусобақалар ўтишини ташкил этиш.	май	Ш. Турсунбаев, С. Юнусходжаева
15.	Навоий вилоятида “Архивчи ёшлар форумини” ташкил этиш	Форум дастурини ишлаб чиқиш ва сценарийларини тайёрлаш, ёшларни жалб этиш ва ўтказиш	июнь	Д. Юсупов
16.	Таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш	Худудий бошқармалар, миллий архивлар ва давлат архивларида гендер тенгликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар олиш	июль	Ф. Саидқосимова

17.	Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш	Агентлик тизимидаги ходимлар ўртасида “Иқтисодий ўқишлар”ни ташкил этиш	август	Д. Юсупов, Ш. Турсунбаев
18.	Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш	Семинар ташкил этиш	сентябрь	А. Файзуллаев
19.	Архив ходимларининг хорижий мамлакатларда ташкил этиладиган конференциялар ва ўқув курсларида ўз маърузалари билан иштирок этишлари бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш.	Режа асосида ишларни ташкил этиш	октябрь	Д. Дадаева
20	Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик марказида давлат архивлари раҳбарларининг “Раҳбар маънавияти ва психологияси” мавзусида давра суҳбати, семинар-тренинглари ўтказиш	Семинар тренинглари мавзуларини ишлаб чиқиш Модератор ва ўқитувчиларни жалб этиш Семинар-тренингни ўтказиш	ноябрь	Ш. Турсунбаев, А. Файзуллаев
21.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини кенг нишонлаш	Тадбирлар ташкил этиш; Стратегиянинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш	ноябрь-декабрь	А. Алиев